# Тошкент оқшоми

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 78 (8.968) * 1997 йил 9 июль, чоршанба * Сотувда эркин нархда


*Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларига қабул бўйича Давлат комиссияси томонидан*
*ТАСДИҚЛАНГАН*
*1997 йил 3 июль, №2.*

## Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида

## НИЗОМ

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1997/98 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртларига қабул тўғрисида» 1997 йил 1 июлдаги 332-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низомнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг барча ўқув юртларига татбиқ этилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган алоҳида Низомга мувофиқ Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига талабалар қабул қилиш бундан мустаснодир.

3. Ўқув юртларига тўлов-контракт асосида талабалар қабул қилиш Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ҳар бир мутахассислик бўйича белгиланган давлат грантларининг умумий сонидан келиб чиқиб амалга оширилади. Тўлов-контракт асосида ўқишга кирувчи абитуриентлар ўқув юртларининг қабул комиссияларига Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларига қабул қоидалари тўғрисидаги Низомга мувофиқ ҳужжатларни ва белгиланган намунадаги контрактни топширадилар.

Тўлов-контракт асосида абитуриентларни олий ва ўрта махсус ўқув юртларига талабаликка қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг /кейинги ўринларда Давлат комиссияси деб аталади/ қарорига кўра абитуриентларнинг мазкур тоифаси ўртасидаги тест синовлари натижалари бўйича ва улар ўқитишнинг тўлиқ қийматини тўлашлари тўғрисида тузиладиган контракт асосида амалга оширилади.

**II. КОНТРАКТНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

4. Шартноманинг томонлари қуйидагилар ҳисобланади: бир томонда - ўқув юрти маъмурияти номидан раҳбар; иккинчи томондан - жисмоний ёки юридик шахс /буюртмачи/.

5. Абитуриентлар ўқув юртига кириш учун зарур бўлган ҳужжатлар билан биргаликда қабул комиссиясига жисмоний ёки юридик шахс /буюртмачи/ томонидан имзоланган контрактни жисмоний шахслар учун — икки нусхада, юридик шахслар учун уч нусхада топширадилар. Контракт бланки республика ўқув юртларининг қабул комиссиялари томонидан берилади.

Давлат комиссияси томонидан абитуриентни талабаликка қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин ўқув юрти 25 августгача тўлиқ расмийлаштирилган контрактни ҳақ тўлаш учун абитуриентга қайтаради.

7. Абитуриентлар 5 сентябрдан кечикмай қабул комиссиясига тузилган контракт шартларига мувофиқ ўқиш учун ҳақ тўланганлиги тўғрисида банк муассасасининг кирим ордерини /жисмоний шахслар учун/ ёки тўлов топшириғини /юридик шахслар учун/ топширадилар.

8.Абитуриентларни тўлов-контракт асосида талабаликка қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ ўқиш учун ҳақ тўланганлиги ҳақида тегишли тасдиқнома олингандан кейин ўқув юрти томонидан 10 сентябрдан кечикмай чиқарилади.

**III. ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА МИҚДОРИ**

9. Ўқиш учун ҳақ тўлаш миқдори Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўқув юртларига эга бўлган тегишли вазирликлар ва идоралар билан келишув бўйича белгиланади. Ҳар бир ўқув йили учун ҳақ тўлаш ўқишнинг кундузги шакли бўйича бир таълим олувчига харажатларни тўлиқ қоплаш миқдорида таълим йўналишлари бўйича алоҳида белгиланади.

Сиртдан ўқувчилар учун ҳақ тўлаш кундузги шаклда ўқиш қийматининг 60 фоизи миқдорида белгиланади.

10. Ўқиш учун ҳақ жисмоний ёки юридик шахс /буюртмачи/ томонидан тўлиқ ёки контрактда белгиланган муддатларда бир йилда кўпи билан икки марта бўлиб тўланади.

11. Ўқиш таълим олувчининг шахсий ташаббусига кўра тўхтатилганда, ички тартиб қоидалари, ўқув интизоми бажарилмаганлиги ва академик ўзлаштирмаслик учун, шунингдек контракт шартлари бажарилмаслиги туфайли у ўқишдан озод қилинганда илгари тўланган пуллар қайтарилмайди.

**IV. ЎҚИШ УЧУН ОЛИНГАН МАБЛАҒЛАРНИНГ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТОМОНИДАН САРФЛАНИШИ**

12. Тўлов-контракт асосида кадрлар тайёрлаш учун тушган маблағлар ўқув юрти даромадига киритилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 5 июлдаги 236-сон қарорига мувофиқ маблағлардан моддий-техник базани мустаҳкамлаш, ўқув жараёнини жиҳозлаш, ўқув юрти ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш учун мақсадли фойдаланилганда, солиқларнинг барча турларидан озод қилинади. Бунда меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантиришга йўналтирилган маблағлар ҳажми даромадлар умумий ҳажмининг 25 фоизидан ошмаслиги лозим. Маблағларнинг қолган қисми асбоб-ускуналар, жиҳозлар сотиб олишга, тузатиш ишларини амалга оширишга йўналтирилади.

13. Ўқув юртлари томонидан ҳар йили календар йилга ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича тушган бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаси ишлаб чиқилади ва ўқув юрти бўйсунадиган вазирликлар ва идораларга тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Ўқув юртлари ҳар чоракда, кейинги ойнинг биринчи ўн кунлигида бўйсунишига кўра вазирликлар ва идораларга тўлов-контракт асосида мутахассислар тайёрлаш учун тушаётган маблағлар бўйича сметаларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни белгиланган тартибда тақдим этадилар.

Вазирликлар ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига бухгалтерия ҳисоботларини тақдим этиш учун белгиланган муддатларда тасдиқланган шакл бўйича ҳисобот берадилар.

14. Тушган маблағлар тўғри сарфланиши устидан назоратни ўқув юртлари, бўйсунишига кўра, вазирликлар ва идоралар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги амалга оширади.

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги*
*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*
*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги*



*Ҳамкорлик*

## ТЕЗУЧАР ҲАВО КЕМАСИ

### Ўзбекистонимизнинг ички йўлларида қатнайди

***Ўтган куни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг самолётлар саройи янги пассажир кемаси билан тўлди. Гап шундаки, шу куни Тошкент аэропортига биринчи марта 85 ўринли оқ-мовий рангга бўялган «RJ-85» ҳаво кемаси қўнди...***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Аэро интернэшнл» бирлашган компаниясининг вице-президенти Петер Конн билан учрашуви пайтида авиация техникасининг сўнгги ютуқлари асосида яратилган бу тезучар самолётни етказиб бериш тўғрисида келишиб олинган эди.

Тошкент халқаро аэропортида дастлабки «RJ-85» самолётини кутиб олиш тантанали маросими бўлди. Унда сўзга чиққан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг бош директори вазифасини бажарувчи Арслон Рўзметов, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Барбара Хей хоним, «Аэро интернэшнл» компаниясининг раҳбарларидан бири Жонатан Нил ва кема сардори Артур Рахматуллинлар ушбу ҳаво кемасининг Тошкентга келиб қўниши халқаро алоқалар тараққиётининг зарурлиги ва истиқболининг яна бир бор ёрқин далили эканлигини таъкидлаб, бу нарса нафақат айрим компаниялар ўртасидаги ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликка, балки шу билан бирга давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилажаклигини уқтириб ўтдилар.

Маълумки, «Аэро интернэшнл» компанияси 1995 йилнинг охирида Франциянинг «Аэроспасьяль», Италиянинг «Аления» ва Англиянинг «Бритиш Аэроспейс» фирмалари таркибида минтақавий ва маҳаллий йўналишларга самолётлар хизматини кўрсатадиган қўшма корхона сифатида ташкил этилган эди.

«Аэроспасьяль» ва «Бритиш Аэроспейс» фирмалари бир вақтнинг ўзида жаҳонда маълум ва машҳур бўлган «Эрбас индастри» консорциумининг Европадаги аъзолари ҳисобланишади. Маълумки, унинг «А-310» русумидаги самолётлари «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясида муваффақиятли равишда фойдаланилмоқда.

«RJ-85» самолётлари республикамиз ички ҳаво йўлларида қатнайдиган, техник томондан эскириб қолган «Як-40» ва «Ан-24» самолётлари ўрнини эгаллайди. 2005 йилга қадар ана шундай машиналарнинг фақат ярминигина сақлаб қолиш режалаштирилмоқда.

Шартномага мувофиқ янги самолётлардан фойдаланиш мақсадида Англиянинг махсус ўқув марказида тажрибасини орттирган мутахассислар тайёрланди. Ҳаммаси бўлиб, 12 та экипаж тайёрланади. Кейин улар «А-310» русумидаги самолётларига хизмат кўрсатишади.

Сотиб олинган учта «RJ-85» ҳаво кемаси Бухоро, Хива, Самарқанд, Урганчнинг тарихий-маданий марказларига қатнайди. 10 июлдан бошлаб Урганчга дастлабки қатнов йўлга қўйилади. Чипта нархлари амалда аввалги даражада қолади, фақат чипталар икки тоифага — иқтисодий ва бизнес классга бўлинади.

«RJ-85» ҳаво кемалари Ғарбдаги сайёҳлар ўртасида анча машҳурдир. Канада, Швеция, Болтиқбўйи, Туркия ва бошқа давлатларнинг авиакомпаниялари ундан фаоллик билан фойдаланишмоқда.

Янги самолётлардаги дастлабки қатновни Нукус, Фарғона, Урганчга йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Бинобарин, қатнов узунлиги 2500 километрни ташкил этадиган жойлар маъносида олганда ундан Ҳамдўстликдаги айрим шаҳарлар ва хориждаги аэропортларда ҳам фойдаланиш мумкин.

Шундай қилиб, яқин келажакда Ўзбекистон аҳолиси ва унинг кўплаб меҳмонлари қулайликларга эга бўлган бундай самолётларда амалий ва сайёҳлик парвозларини ўтказадилар.

*Саид СОЛИЕВ.*

*СУРАТДА: Тошкент аэропортига биринчи марта келиб қўнган «RJ-85» ҳаво кемаси.*

**ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ**

*ЯНГИЛИКЛАР*
*ВОҚЕАЛАР*
*ХАБАРЛАР*

*Таълим*

## ХОРИЖДА ЎҚИШЛАРИ МУМКИН

***Дунёга машҳур бўлган Гёте институти Германиядаги йирик тиллар олий ўқув юрти ҳисобланади. Бу нуфузли олий ўқув юртининг Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорлик алоқасини боғлаганига ҳам бир неча йил бўлди.***

Бу орада у қатор хайрли ишларга бош қўшди. Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси билан биргаликда немис тилини ўқитиш бўйича республика маркази ҳам очилди. Пойтахтимиздаги 60-ўрта мактаб негизида немис тили ўқитувчилари учун доимий семинар машғулотлари уюштирилмоқда.

Гёте институти ўзининг уч нафар ўқитувчисини шу мактабда немис тилидан ўқувчиларга сабоқ бериш учун юборди. Немис тилини ўқитишнинг мустаҳкам ўқув негизини яратиш мақсадида жойларда тажриба-намуна ишлари ҳам олиб борилди.

Республика марказида ҳозир бир неча иқтидорли ўғил-қиз сабоқ олмоқда. 1997-1998 ўқув йилида улар марказни тамомлаб, мустақил ишга йўлланма оладилар.

Шуниси муҳимки, якунловчи имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган толиби илмлар халқаро аҳамиятга молик бўлган сертификатга эга бўладилар. Улар Германиядаги олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Янги ўқув йилидан марказда мактабгача таълим тизими бўғини учун асос солинади. Болалар боғчаси ва якшанба куни мактаби кўринишидаги бу таълимий жараён ҳам ўқувчи ёшларни немис тилини пухта ўзлаштиришлари учун замин ҳозирлайди.

*Саодат ОДИЛОВА.*

*Футбол*

## МҲСК: ЎН БЕШИНЧИ ҒАЛАБА!

**КЕЧА** мамлакатимизнинг тўрт шаҳрида футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионатининг XV тур ўйинлари бўлиб ўтди. Марказий ҳарбий спорт клуби ўйинчилари «Навбаҳор» жамоасини қабул қилди. Учрашув муросасиз ва қизиқарли ўтиши кутилган эди.

Ҳарбийлар кейинги ўйинларда ўз дарвозаларидан тўп ўтказиб юбориб, қийинчилик билан ғалабани қўлга киритишяпти. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ўйиннинг 23-24 дақиқаларида «Навбаҳор» ҳужумчиси Анвар Солиев икки бор қулай имкониятга эга бўлди. Ана шу ҳужумларнинг бири дарвозани ишғол этиш билан якунланди — 0:1.

Лекин наманганлик мухлисларнинг қувончи узоққа бормади. Тўпни ўйинга киритган армиячилар олдинга интилишди. Терма жамоамизнинг сардори Нўъмон Ҳасанов бир неча ўйинчилар орасидан дарвозани аниқ нишонга олди — 1:1.

Учрашувнинг биринчи бўлими тугашига беш дақиқа қолганда «Навбаҳор» дарвозаси томон жарима тўпи белгиланди. Нўъмон Ҳасановнинг бу зарбаси ҳам аниқ бўлди — 2:1. Қисқа дақиқалар ичида Февзи Давлатов «Навбаҳор» дарвозасига учинчи тўпни ҳам йўллади. Шуни таъкидлаш керакки, меҳмонлар дарвозабони жуда бўш ўйнади. Шунинг учун иккинчи бўлимда дарвозабон Олег Беляков ўрнига Дмитрий Башкевич ўйинга тушди.

Лекин «Навбаҳор»га бу ҳам ёрдам бермади. Ойбек Усмонхўжаев ўрнига майдонга тушган Игорь Буров ён қанотдан тўртинчи тўпни дарвозага йўллади. Меҳмонларнинг ҳисобни қисқартиришга бўлган барча уринишлари зое кетди.

Ушбу турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди:

«Нефтчи» — «Чилонзор» — 8:2, «Бухоро» — «Пахтакор» — 1:0, «Сурхон» — «Атласчи» — 2:0, «Сўғдиёна» — «Янгийўл» — 2:0, «Хоразм» — «Дўстлик» — 3:6, «Косонсой» — «Зарафшон» — 1:2, «Афросиёб» — «Андижон» — 2:2.

*Раҳим ТЎРАЕВ.*

**БУГУНГИ КУН НАФАСИ**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 июль куни Япония либерал-демократик партияси вице-президенти Кейзо Обучи раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Япониялик юқори мартабали меҳмонлар ўша куни Бош вазир Ўткир Султонов билан ҳам учрашдилар. Кеча эса Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида улар иштирокида Ўзбекистон — Япония иқтисодий ҳамкорлиги масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

● Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида» қарор қабул қилди.

● Навоий вилояти деҳқонлари қабул пунктларига 66,6 минг тонна дон етказиб бериб, ғалла топшириш давлат буюртмасини бажардилар.

● Тошкентда Европа ва Осиё мамлакатлари металл саноати ходимлари касаба уюшмаси федерацияси марказий қўмитасининг VI мажлиси бўлиб ўтди. Унинг ишида Марказий Осиё республикалари, шунингдек Россия, Украина, Молдова, Озарбайжон ва Туркия касаба уюшмалари вакиллари иштирок этдилар.

● Президентнинг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида» шу йил июнда чиқарган Фармони асосида «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази ташкил этилди. Ушбу марказнинг таъсис мажлисида бу жамоатчилик ташкилотининг Низоми тасдиқланди. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори Акмал Саидов «Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказининг директори этиб сайланди.

### ЖАҲОНДА

● Чехия, Польша ва Венгрия ҳисобига НАТОга аъзо мамлакатлар сони эндиликда 16 тадан 19 тага етди. Бу — бугун Испания пойтахти Мадридда ниҳоясига етган НАТОга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг олий даражадаги икки кунлик учрашувининг асосий якуни бўлди. Бу уч давлат расман 1999 йил апрель ойидан НАТО аъзолари бўлади.

● Бугун Украина Президенти Леонид Кучма Мадридда НАТО билан Украинанинг алоҳида муносабатлари тўғрисидаги хартияни имзолади. Ушбу ҳужжатга кўра НАТО Украинанинг миллий хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлиги кафолати бўлади.

● Душанбега келган Россия федерал чегара хизмати директори Андрей Николаев Тожикистон маъмурлари ҳамда Бирлашган тожик мухолифатчилари билан бу ердаги вазият ҳамда Тожикистонда миллий ярашиш аҳдномасини таъминлашда Россия чегарачиларининг ролини муҳокама этди.

● Қирғизистон парламентида рус тилига иккинчи расмий давлат тили мақомини бериш тўғрисидаги конституциявий қонун лойиҳаси депутатларнинг етарли овозини олмади. Мамлакат Асосий Қонунига мувофиқ парламент энди бу масалага камида бир йилдан сўнг қайтиши мумкин.

● Камбоджада уч кун давомида икки Бош вазир — Халқ партияси етакчиси Хун Сен ҳамда роялчилар партияси етакчиси Нарадом Ренарит тарафдорлари ўртасидаги қонли тўқнашувлар оқибатида камида 60 киши ҳалок бўлди, 100 киши жароҳат олди. Ҳозир Бош вазир Хун Сенга содиқ қуролли бўлинмалар Камбоджа пойтахти Пномпенни тўла ўз назоратига олдилар.

● Россия Президенти Борис Ельцин бюджет ташкилотларга иш ҳақи бўйича қарзларни тўлаш муддатини ярим йилга узайтирган Фармонни имзолади. Ушбу ҳужжатга мувофиқ ҳукумат бюджет ташкилоти ходимлари олдидаги иш ҳақи бўйича қарзларни 1998 йил 1 январигача, ҳарбийларга тўловлар бўйича қарзларни эса икки ой мобайнида узиши керак.

● Австриянинг Зальцбург шаҳрида Европанинг 11 та мамлакати ҳукумат раҳбарлари иштирокида иқтисодий анжуман иш бошлади. Унда ушбу мамлакатларда бозор муносабатларини ривожлантириш ҳамда иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш масалалари кўриб чиқилмоқда.

● Литва Президенти Альгидрас Бразаускаснинг Францияга расмий ташрифи давомида у Президент Жак Ширак билан ўзаро муносабатларни ривожлантириш ҳамда Литвани Европа Иттифоқига аъзо қилиб олиш масаласини муҳокама этди.

● «Толибон» ҳаракатига қарши коалиция самолётлари Кобулга ҳаводан зарба беришни давом эттирмоқдалар. Жумладан, Кобул аэропортига ҳаво ҳужуми давомида уч киши ҳалок бўлди.

● КХДР собиқ президенти марҳум Ким Ир Сен вафоти муносабати билан мамлакатда уч йиллик мотам ниҳоясига етди. Шимолий Кореядаги тартиб-қоидаларга мувофиқ ана шу давр мобайнида давлатнинг янги раҳбари тайинланмайди. КХДРга Ким Ир Сен вафотидан буён унинг ўғли норасмий бошчилик қилиб келмоқда.

● Бугун Венада Европа ҳамда Шимолий Америка хотин-қизларининг «Муҳим овозлар: хотин-қизлар демократия шароитларида» мавзусидаги уч кунлик учрашуви бошланди. Унда аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш муаммолари кўриб чиқилмоқда.

● Қирғизистон биринчи миллий лигасининг ТФК жамоаси футболчилари Тожикистон билан чегарадош туман командаси билан ўртоқлик учрашувига йўл олаётганда Ўш—Хорог йўналишида автомобиль ҳалокатига учрадилар. Улар тушган автобус жарга қулаши оқибатида 10 нафар футболчи ҳалок бўлди, 12 киши оғир жароҳатлар олди.



• «Ўзагроқурилиш» корпорациясининг ишбошиси Тўланбой Мўминов доимо ана шундай кўтаринки кайфиятда меҳнат қилади.




• «Тошсут»нинг салқин ва мазали маҳсулотлари.



• «Тошинтерм» қўшма корхонасидан чиқадиган термослар ана шундай жилвакор.



• Прессловчи Тоҳир Мирзааҳмедов «Тошинтерм»нинг моҳир ишчиларидан.



*Ўзбекистон Мустақиллигининг 6 йиллиги олдидан*

# ЭРТАНГИ КУНГА КОМИЛ ИШОНЧ

*Инсон манфаатлари йили*

*Туманлар йўқламаси: Акмал Икромов*

***Акмал Икромов тумани шаҳримизнинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган. Аҳолисининг асосий қисмини маҳаллий миллат вакиллари ташкил этади. Бугунги кунда бу ҳудуддаги «Тошинтерм» қўшма корхонаси, «Фармед» фирмаси, «Тошсут» ҳиссадорлик жамияти, «Ором» болалар боғчаси, Мактабгача таълим-тарбия маркази туман довруғини нафақат пойтахтга, балки бутун республикага ёймоқда...***

Инсон манфаатлари йили деб аталмиш жорий йилда Акмал Икромов туманида ҳам бу борада амалга оширилажак тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Унда шахснинг ижтимоий-иқтисодий талабларини қондириш, фуқароларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, давлат ёрдамига муҳтож оилаларга эътиборни кучайтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол тарбиялаш, кекса, ёлғиз, ногиронларга ғамхўрликни кучайтириш, маънавиятни юксалтириш, маданиятни ривожлантириш, кўҳна анъаналарни тиклаш каби чора-тадбирлар ўз ифодасини топган. Ушбу дастур асосида иш олиб бориш билан бирга туман ҳокимлигининг мутасадди раҳбарлари ҳар ҳафтада бир марта маҳаллаларда бўлишиб, аҳоли билан учрашувлар уюштиришмоқда. Бундай тадбирлар одамларнинг талаб ва истакларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этмоқда ва улар асосида зарур тадбирлар кўрилмоқда.

Маълумки, демократик жамият барпо этилаётган мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтиришга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада туманда махсус режа ишлаб чиқилган. Режага кўра туман прокуратураси ходимлари маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар, таълим-тарбия муассасаларида бўлиб, ҳуқуқий билим ва савияни юксалтириш ишини йўлга қўйишган. Хусусан, «Махсусавтобаза» ташкилоти, Ўриквор, Ҳабиб Абдуллаев, Янги ҳаёт маҳаллаларида ўтган учрашувлар ҳуқуқий билим инсон учун қанчалар зарурлигини яна бир бор кўрсатди. Ҳолбуки, шахс ўз ҳақ-ҳуқуқларини қанчалар теран англаса, у ўзи учун ҳам, жамият учун ҳам шунча кўп манфаат келтиради.

Бугунги кунда «тадбиркорлик», «ишбилармонлик», «бизнес», «хусусийлаштириш», «мулкдорлар синфи» деган иборалар кундалик турмушимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Чунки мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиши, инсон омилини биринчи ўринга чиқариш кўп жиҳатдан инсоннинг шахсий ташаббусига боғлиқ. Шунга кўра туманда Бизнес фонди ҳамда Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда Бизнес фондининг моддий ёрдамидан фойдаланган «Омал» хусусий фирмаси, масъулияти чекланган «Каримжон» жамияти, «Бахтиёрхўжа» хусусий кичик корхонаси туманда етакчи тадбиркорлик тузилмаларидан ҳисобланади. Айни пайтда Бизнес фонди томонидан асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, фермерлик, сайёҳлик, қурилиш, ишлаб чиқариш, маиший хизмат соҳалари билан шуғулланмоқчи бўлган шахсларга қарз берилмоқда.

Туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси қошида аудиторлик фирмаси ташкил этилгани тадбиркорлар ишини анча енгиллаштирди. Фирма ўз хизматига нарх қўйишда корхонанинг моддий имкониятидан келиб чиқиши кўпчиликни мамнун этмоқда. Айни пайтда инсон ҳуснини қайта тиклаш билан шуғулланадиган «Чирой» хусусий фирмаси, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи «Тошкент тажриба-экспериментал механика заводи» ҳиссадорлик жамияти, «Тошинтерм» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси палата ёрдамидан унумли фойдаланишгани натижасида ўз ишини самарали йўлга қўйиб олишди.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда ишлаб чиқаришни бозор талаблари асосида йўлга қўйиш муҳим ўрин тутади. Тумандаги «Тошсут» ҳиссадорлик жамияти ана шу йўсинда фаолият кўрсатаётган корхонадир. Маълумки, диёримиз иқлими иссиқлиги аҳоли ўртасида сут маҳсулотларининг нисбатан кам истеъмол қилинишига олиб келади. Шуни ҳисобга олган корхона Швециянинг «Тетра пак» фирмаси технологияси ва асбоб-ускуналари ёрдамида етти турдаги сут ва мева шарбатидан мазали ичимликлар тайёрлай бошлаган. Ҳозирда «Тошсут» жамоаси ана шундай маҳсулот етказиб бериш бўйича Россия ва Қозоғистон билан шартномалар тузишга эришди. Мустақиллигимизнинг 6 йиллигига атаб ҳиссадорлик жамияти «Ян Интернешнл» фирмаси билан ҳамкорликда манго ва ананас каби тропик мевалардан шарбатлар ишлаб чиқаришни мўлжалламоқда.

Аҳолига қулайлик яратишда транспорт хизматининг аҳамияти беқиёс. Сўнгги вақтларда тумандаги транспорт корхоналарида деярли ҳар йили ўзгаришлар юз бермоқда. Жумладан, Туркиядан келтирилган «Доган» русумли таксиларнинг дастлаб «2-таксомотор парки» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига, Чехиянинг «Шкода» трамвайлари ҳам энг биринчи 2-трамвай депосига берилгани фикримиз далилидир. Туманнинг транспорт соҳаси бу йил ҳам янгиланишдан бебаҳра қолмади, 18-автокорхона 18 та ҳар томонлама қулай «Мерседес-Бенц» автобусларини аҳоли хизматига берди. Улар ҳозирда туман аҳолисини Жанубий вокзал билан боғловчи 114- ва шаҳар марказига юрувчи 88-йўналишларда қатнамоқда. Истироҳат даҳаси ва Чорсу бозори йўналишида ҳаракат қилувчи янги очилган 147-автобус ҳам ўзига хос қулайлик бўлди.



• Туманнинг 14-мавзесида «Ўзуйжойжамғармабанк» томонидан қурилаётган кўп қаватли уй.



• Ҳабиб Абдуллаев маҳалла гузари тез кунларда фойдаланишга топширилади.

Юқорида айтганимиздек, туман аҳолиси асосан маҳаллий миллат вакилларидан иборатлиги, демакки, бу ерда кўпболали оилалар анчани ташкил этиши уй-жойга бўлган талабнинг катталигини кўрсатади. Президентимиз Фармонига кўра ўтган йили «Тошуйжойжамғармабанк» (ҳозирда «Ўзуйжойжамғармабанк») ташкил этилганидан буён тумандан 900 га яқин оила 6-8 ой ичида шахсий уй-жойга эга бўлади. Яқинда туман ҳокимлиги яна иккита ер майдонини ушбу банкка уй қуриш учун берди. Булардан ташқари бугунги кунда «Ўзколхозқурилиш» корпорацияси томонидан Чилонзор даҳасининг 14-мавзесида тўртта тўрт қаватли уй қад кўтармоқда. 64 хонадонга мўлжалланган бу уйларни мустақиллигимизнинг олти йиллиги шодиёнасига топшириш мўлжалланган. Йил охиригача яна 64 та оила Чилонзор даҳасининг 12-мавзесида янги уйларга эга бўлади.

Қадим-қадимдан халқнинг фаровонлик даражаси ўша юртнинг бозорларига қараб белгиланган. Шунга кўра бугунги кунда туманда асосий ҳисобланган Фарҳод бозорининг кенгайтирилаётгани айни кўнгилдаги иш бўлмоқда. Туман аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминловчи «Фарҳод деҳқон бозори» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти иккита ҳудудга (эски ва янги) эга. Шаҳар ҳокимининг қарори билан бозорнинг янги ҳудудига яна 5 гектар ер қўшилиши билан бу ерда қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Бу қўшимча ҳудудда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, деҳқонлар уйи, маҳсулот сақлаш омбори бунёд этилади. Шунингдек, бу ерда катта юк машиналарида савдо қилиш учун майдон, 670 ўринли савдо растаси ҳам қурилади. Бозорнинг ўзи тобора гавжумлашиб бормоқда. Ўтган йили жамият 3 миллион соф фойда кўрди, бу йил эса бу кўрсаткич 5 миллионга етказилиши кутилмоқда. Шу мақсадда ҳиссадорлик жамияти Зангиота ҳамда Юқори Чирчиқ туманлари билан шартномалар тузган.

Жамиятимизда ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолияти тобора кучайиб бораётгани сир эмас. Хусусан кам таъминланган оилаларнинг болаларига нафақа беришнинг маҳаллалар зиммасига юклатилиши Акмал Икромов туманида бу ишга жиддий ёндошишни тақозо этди. Зеро, туманда кўпболали оилалар анчагина. Ўтган олти ой мобайнида 1148,6 минг сўм болалар нафақаси берилди. Шунингдек, туманда маҳалла гузарлари қурилишига катта аҳамият берилмоқда. Жумладан Ҳабиб Абдуллаев маҳалла гузарини қуришга «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлимидан 100 минг сўм ўтказилди. Бундан ташқари туман ҳокимлиги томонидан қурилиш материаллари билан ёрдам берилди. Ҳозирда қурилиши жадал суръатларда олиб борилаётган Ҳайратий, Боғобод, Ўриквор, Пахтакор маҳаллалари гузарлари мустақиллигимизнинг олти йиллик тўйига муносиб туҳфа бўлади.

Инсон манфаатларини кўзлаб қилинадиган ишлар дастуридан ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, улар истеъдодини юзага чиқаришга шарт-шароитлар яратиш, биринчи синф ўқувчиларини ўқув қуроллари мажмуаси билан бепул таъминлаш, камхарж оилалар болаларига қишки кийим-бош етказиб бериш, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолиятини жонлантириш, ўқитувчиларнинг моддий турмуш шароитини яхшилаш чора-тадбирлари салмоқли ўринни эгаллайди.

Маълумки, ҳозирги кунда халқ таълими соҳасида мавжуд муаммолардан бири мактаб кийимидир. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошидаги «Илм» ишлаб чиқариш корхонаси томонидан тайёрланган ўқувчи кийимидан туман халқ таълими бўлими катта миқдорда харид қилган, шунинг ҳисобига корхона ўз маҳсулотларини бўлимга нисбатан арзон нархда сотади. Иқтисод қилиб қолинган маблағга халқ таълими бўлими яна ўқувчи кийимларидан сотиб олиб, етим болаларга бепул беришни мўлжалламоқда. Бундан ташқари ҳозирда тумандаги учта мактабда соғломлаштириш оромгоҳлари фаолият кўрсатмоқда. Бу масканларда дам олиш учун 11 та етим болага текин, отаси ёки онаси йўқ бўлган 25 болага 50 фоизини тўлаш билан йўлланмалар берилди.

Ўқитувчиларнинг моддий шароитини яхшилашда уларнинг меҳнатга бўлган муносабатларидан келиб чиққан ҳолда иш тутилмоқда. Хусусан яхши ишлаган педагог ходимларга ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида пул мукофоти берилмоқда. Агар ўқитувчи битирувчи синфлар учун тест саволларини тузса ва бу саволлар ўқитувчилар жамоаси томонидан тасдиқланса, бундай рағбатлантириш кўрсаткичи 100 фоизга чиқади.

Саломатлик инсон учун дунёда энг катта бойлик экани барчага маълум. Шу жиҳатдан олиб қараганда тумандаги «Она ва бола» ҳудудий маркази ҳақида гапирмай илож йўқ. Шайхонтоҳур, Собир Раҳимов, Чилонзор ва Сергели туманларига ҳам хизмат кўрсатадиган бу шифо масканининг айнан Акмал Икромов туманида ташкил этилгани бежиз эмас. Марказда акушер-гинекология ҳамда педиатрия мажмуалари очилган. Акушер-гинекология мажмуасида аёллар ҳомиладорлик пайтидан токи фарзандини қўлига олгунига қадар шифокор назоратида бўлади. Педиатрия мажмуасида эса зотилжам, бронхит, марказий асаб тизими шикастланган эмизикли чақалоқлар даволанади.





• 3-стоматология поликлиникаси ва «Она ва бола» ҳудудий марказида беморларга малакали хизмат кўрсатилади.

Туманда тиббиёт соҳасида рўй берган йирик ўзгаришлардан бири Абдулла Қодирий маҳалласида «Чевар» ҳиссадорлик жамиятига қарашли бўш қолган болалар боғчаси биносида 56-оилавий поликлиниканинг очилиши бўлди. Бу ҳол тиббиётни аҳолига яқинлаштирилганидир. Ҳолбуки аҳолининг кўпайиб бораётганидан бу ҳудудга хизмат кўрсатаётган 8-поликлиника имконияти чегараланиб қолган эди. Эндиликда 56-оилавий поликлиникада аҳолига тиббиётнинг деярли барча соҳалари бўйича хизмат кўрсатилмоқда.

Мустақиллигимизнинг олти йиллик тўйига пойтахтимиз аҳолиси соғлиқни сақлаш борасида янги туҳфани қабул қилиб олишади. Бу совға тумандаги Тез тиббий ёрдам кўрсатиш клиник касалхонаси ҳудудида жадал суръатлар билан қурилаётган беш қаватли жарроҳлик мажмуасидир. Бино жарроҳлик соҳасида жаҳон андозаларига жавоб берадиган услубда қурилмоқда, чунки мажмуа энг янги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланади ва табиийки, бу ерда юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, тумандаги 6-поликлиниканинг яқинда оилавий поликлиникага айлангани ҳам бу йил туман тиббиёти учун ислоҳотлар йили эканидан далолат беради.

Инсон манфаатлари деганда унинг моддий эҳтиёжлари, айниқса аҳолининг кам таъминланган табақасининг ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари муҳим ўрин тутади. Шунга кўра «Соғлом авлод учун» жамғармасининг тумандаги таянч нуқтаси ҳамда Қизил Ярим Ой жамияти қатор ишларни амалга оширмоқда. Жумладан йил бошида тумандаги ночор, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини қишки дам олишлари учун «Чимён» дам олиш оромгоҳига бепул саёҳат уюштирилди. Наврўз байрами арафасида бундай оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳомий ташкилотлар — «Акмал Икром Савдо» ҳиссадорлик жамияти 920 минг сўм, «Фармед» хусусий фирмаси 50 минг сўм, «Феруза» фирмаси 70 минг сўм, «Наврўз» жамғармасининг туман бўлими 42 минг сўм маблағ сарфлашди. Шунингдек, ушбу жамғарма томонидан ногиронларга 5 та ногиронлар аравачаси берилди. Туман ҳокимлиги томонидан эса 500 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

***...Бугунги кунда Акмал Икромов туманини айлансангиз, одамларнинг бор имкониятини ишга солган ҳолда эртанги кунга комил ишонч билан фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётганининг яққол гувоҳи бўласиз. Улар орасида оддий ишчидан тортиб корхона раҳбарларигача, кеча олий ўқув юртини тугатиб қўлида мутахассислик дипломи билан келган ёш кадрдан то ҳаётнинг барча аччиқ-чучугини тотган тажрибали отахонгача кўриш мумкин. Барининг фикру хаёлида бир нарса: кўҳна бу заминни янада гуллатиб-яшнатиш, қадимий қадриятларни тиклаш, инсонга берилган барча моддий ва маънавий неъматларни унинг ўзига хизмат қилдириш, бу борада барча имкониятлардан фойдаланишдир.***

*Саҳифани Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади. Суратларни Рашид Галиев тасвирга туширган.*



• «Фарҳод» бозорининг дарвозаси.



• Туманда асосий ҳисобланган Фарҳод кўчаси бўйлаб «Мерседес-Бенц» автобуслари мунтазам ҳаракатланади.

